



МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№14 (96) 14.05.2020 йил

Галабанинг 75 йиллиги

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Бу Ўзбекистондаги барча оналарга қўйилган ҳайкал



9 май санасида мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган галабанинг 75 йиллиги кенг нишонланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда ўтказилган байрам тадбирларида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари 9 май куни ушбу шонли сана муносабати билан барпо этилган Галаба боғига ташриф буюрди.

Ўзбекистон халқи Иккинчи жаҳон урушида галабани таъминлашга улкан ҳисса қўшган. Лекин бу жасоратни бор қўлами билан кўрсатиб берадиган яхлит мажмуа йўқ эди. Ўтган йили Президентимиз улкан боғ барпо этиб, халқимиз қаҳрамонлигини абадийлаштириш ташаббусини илгари сурган эди.

Шундан сўнг, илмий-ижодий жамоатчилик тақлифлари, хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида бадиий-меъморий концепция ишлаб чиқилди. Давлатимиз раҳбари бу борадаги лойиҳалар билан бир неча бор танишди. Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида 12 гектардан зиёд жой ажратилиб, улкан қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Давоми 2-саҳифада >>

Ушбу сонда

Рамазон — маънавиятга, маърифатга чорловчи ой

4-саҳифада >>

«Илҳақ» кул босган ҳислар уйғонишими?!



5-саҳифада >>

Тарбия илдизига тушаётган «қурт»



6-саҳифада >>



Президент Ғалаба боғидаги Шон-шараф музейида

Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг мудҳиш, энг бешафқат тўқнашув бўлган. Жангу жадаллар Европа, Осиё ва Африка қитъаларида, ҳавою океанларда кечган. Баъзи маълумотларга кўра, бу урушда жами 85 миллионгача инсон ҳалок бўлган. Ер юзи беҳисоб вайронгарчилик ва қаҳатчиликка юз тутган.

Давлатимиз раҳбари аввалги чиқишларида Ўзбекистон халқининг

Ғалабага қўшган ҳиссасини янада чуқурроқ ўрганиш зарурлигини таъкидлаган эди. Шундан сўнг бу борада катта илмий тадқиқотлар қилинди. Илгари ёпиқ бўлган тарихий ҳужжатлар ҳам ўрганилди. Чет эллардаги архив ташкилотлари, музейлар, олимлар билан ҳамкорлик натижасида қаҳрамон аждодларимиз ҳақида янги маълумотлар қўлга киритилди.

Масалан, шу вақтга қадар Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1 миллион 500 мингга яқин киши иштирок этган, деб ҳисобланар эди. Янги топилган маълумотларга кўра, 1 миллион 951 мингга яқин киши урушга сафарбар этилгани аниқланди. Шунингдек, 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар давлат муқофотлари билан тақдирлангани ҳужжатлар орқали

ўз тасдиғини топди. Юртимизда қолган аёллар, кексалар, ёш болалар ҳам чинакам қаҳрамонлик кўрсатганлар. Етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча одам ҳаловатдан воз кечиб, тинимсиз меҳнат қилган. Республикаимиздан жанг майдонларига самолёт ва танклар, қурол-яроғ, улкан миқдорда озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар етказиб турилган.

Давоми 2-саҳифада >>

Доналар сузланди...



Рух ва нафс Мажнун ва унинг туяси каби бўлиб, бири олга, иккинчиси орқага кетишни истайди.

Жалолiddин Румий

Эзулик ҳеч эскирмайдиган бирдан-бир либсидир

Ғ.Торо

Инсон боласининг минг бир қусурларидан бири шулки, у ўз қусурларидан кўра бегона кимсанинг қусурларини санашни афзал кўради.

Жон Милтон

Туризм

Янги ассоциация ташкил этилди

Эндиликда янги ташкил этилган Ўзбекистон социал туризм ассоциацияси имконияти чекланган юрtdошларимиз ва эҳтиёжманд оилалар фарзандлари учун хайрия акцияларини ўтказди. Шунингдек, имконияти чекланган шахсларнинг саёҳат қилиши учун шароитлар яратишга, экскурсиялар ташкил этишга ҳам кўмаклашади. Бундан ташқари,



соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ҳам иштирок этиши мумкин ва жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Ассоциация кенгаши раиси Иззатилло Хўжаевнинг айтишича, эндиликда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда имконияти чекланган юрtdошларимиз учун "Саёҳат барча учун" хайрия саёҳати ташкил этиб борилади.

Давоми. Боши 1-саҳифада



Шавкат МИРЗИЁЕВ: Бу Ўзбекистондаги барча оналарга қўйилган ҳайкал

Ғалаба боғи ҳар бири алоҳида мавзуга эга бўлган икки қисмдан иборат. Биринчисида Ўзбекистонликларнинг жанглардаги иштирокидан лавҳалар, иккинчисида фронт ортидаги республикамиз ҳаёти акс этган.

Президентимиз дастлаб «Матонат мадҳияси» ёдгорлик мажмуасига гулчамбар қўйди.

Бу ёдгорлик қандайдир бадиий образ эмас, унга ҳаётда бўлган воқеа – мўътабар она ва унинг оиласи тўғрисидаги ҳақиқат асос қилиб олинган.

Ташкил вилояти Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшаган Зулфия ая Зокирова Иккинчи жаҳон урушида бир эмас, беш ўғлидан – Исоқжон, Аҳмаджон, Мамажон, Ваҳожон, Юсуфжон исмли азиз фарзандларидан жудо бўлган. Унинг тўрт келини бева, беш набираси етим бўлиб қолган. Келинлари ҳам Зулфия аядан ўрناق олиб, ўз оиласига содиқ қолган, бошқа турмуш қурмаган.

Ўтган йилги Хотира ва қадрлаш кунинда давлатимиз раҳбари Зулфия Зокирова ва унинг фронтдан қайтмаган беш ўғли, садақатли келинлари хотирасига атаб мухташам ҳайкал ўрнатиш ҳамда унга «Матонат мадҳияси» деб ном бериш таклифини билдирган эди. Бу ташаббусни жамоатчилигимиз қизғин қўллаб-қувватлади. Шу мавзуда мақолалар, шеърлар ва бадиий фильм яратилди.

Бугун Ғалаба боғининг марказида ушбу муаззам обида қад ростлаб турибди.

– Бу Ўзбекистондаги барча оналарга қўйилган ҳайкал, – деди Шавкат Мирзиёев. – Ушбу ёдгорлик бутун халқимиз учун қуллуг зияратгоҳга, оила, муҳаббат, вафо ва садоқат тимсолига айланиб қолади. Бу ерга келган ёшлар миллатимизнинг қонида бўлган фазилатларни англаб, уларни қайтлаб яшашига интилади.



2020 йилнинг илк ойлари тожсимон вирус пандемияси хавфи остида қолди. Кўп давлатлар катори Ўзбекистон ҳукумати ҳам карантин қоидалари асосида тез муддатда касалликка қарши самарали кураш йўлини ишлаб чиқди. Инсоният бошига келган бу бало – вирусга ўхшаш дардларга қарши тарихда қандай курашилган ва бу ҳақда тушунча ҳосил қилиш учун Амир Темури ва Темурийлар даврида тиббиётга эътибор, табибларнинг ўрни ҳақидаги маълумотларни ўрганиш керак.

Жорий йил 9 апрелда 684 йиллиги нишонланаётган Амир Темури XV асрнинг 60-70 йиллари Ўзбекистон ҳудудида кучли марказлашган давлат тузати ва унинг тарихига Хуросон, Хоразм, Олтин Ўрда, Ҳиндистон, Ироқ, Эрон, Арманистон ва Туркия кирган.

Амир Темури давлатининг жадал ривожланишида ўқимшли инсонларга ўзгача ҳурмат билан ёндашуви, уларни қўллаб-қувватлаш ва махсус «Китоб минораси» қурдиргани, унда зиёлилар қўлзеъмалар билан шуғуллангани асосий сабаблардан бири эди.

Амир Темури бошқариши даврида ҳар бир шаҳарда шифохоналар қурилган.

Давоми. Боши 1-саҳифада

Президент Ғалаба боғидаги Шон-шараф музейида



Минглаб уруш қатнашчилари Ўзбекистонда ташкил этилган ҳарбий госпиталларда даволанган. Янги аниқланган маълумотларга кўра, уруш ўчоғига айланган ўлкалардан юртимизга 1 миллион 500 минг киши, жумладан, 250 мингдан зиёд бола эвакуация қилинган. Халқимиз уларга ўз уйдан жой бериб, сўнгги бурда нониини ҳам баҳам кўрган.

Элимизнинг бу жасорати, меҳр-мурувват ва инсонпарварлик фазилатлари ҳали ҳамон шон-шараф мактаби, ғурур-ифтихор манбаи бўлиб келмоқда. Вақт ўтгани сайин бу ўлмас қадриятларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Шон-шараф музейида ана шундай шонли тарих ўз ифодасини топган. Тарихий факт ва воқеалар замонавий технологиялар, интерактив усуллар ёрдамида акс эттирилган.

Давлатимиз раҳбари музей экспозицияси билан танишиди. Бу ердаги экспонатлар Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабага қатта хисса қўшган халқимизнинг жасоратини тарафдоран эйтишга, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилишини таъкидлади.

– Бу музейнинг пайдо бўлиши адолатнинг тикланиши демакдир. Тарихимизнинг бир қисми бўлган уруш воқеаларини бир жойда намоён этадиган бундай маскан



йўқ эди. Бу ишлардан мақсад-муддаоимиз – халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабага қўшган буюк хиссасини тарихга муҳрлаб қўйиш, ёш авлодларга етказиш. Юз йиллардан кейин ҳам одамлар келиб, уруш воқеалари ва оқибатларини, тинчлик кадрини билиши керак, – деди Президент. Музей олтига бўлимдан иборат бўлиб, 1-бўлимда республикамиз аҳолисининг фронтта сафарбар этилиши, жанг майдонларидаги жасорати акс эттирилган. Иккинчи бўлим «Ўзбекистон – фронт учун ишончли таянч кўргони» деб номланган. Кейинги бўлимда уруш йилларида юртимиздаги илм-фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш соҳалари намойиш этилган. 4-бўлим «Уруш ва ғалаба ҳақида хотиралар, халқнинг қувонч ва шодлиги»

деб аталган бўлса, навбатдаги шўъбада уруш йилларидаги бадиий адабиёт, санъат ва матбуот ҳақида ҳикоя қилинган. «Мардлар жасорати мангу яшайди» номи 6-бўлимдан 33 жилдлик «Хотира» китоби, шунингдек, байрам муносабати билан нашр этилган китоб-альбом ва бошқа экспонатлар ўрин олган.

Шавкат Мирзиёев Шон-шараф музейида ҳар бир қўмондонликнинг ўз жойи бўлиши, илмий тадқиқотлар ўтказиб, уларнинг экспозицияларини тўлдириб бориши зарурлигини таъкидлади. Ҳарбий хизматчи ва курсантларни, ёшларни бу ерга олиб келиб, уларда мардлик, фидоийлик руҳини шакллантириш бўйича тавсиялар берди.

Давлатимиз раҳбари боғдаги «Кўз ёши» мажмуасини ҳам кўздан кечирди. Кўз шаклидаги бу бадиий мажмуада урушнинг мудҳишлиги, миллати ва динидан қатъи назар, барча одамлар бирлиги ифодаланган.

Боғ ҳудудида бир неча мрамар деворларда композицион паннолар барпо этилган. Уларда саркарда болаларимиз тарихидан лавҳалар, Иккинчи жаҳон урушига оид энг муҳим маълумотлар, миллий армиямизнинг ҳозирги жанговар ҳолати акс эттирилган. Уруш йилларидаги куй-қўшқлар ва хабарлар асосида тарихий муҳит жонлантилган.

President.uz

Тарихий ҳақиқат

Амир Темурининг "Дор уш-шифоси"

Улар соҳибқирон фармонларига сўзсиз бўйсунгани шарт бўлган. Шифохоналарда тажрибали табиблар фаолият кўрсатган. Давлат маркази Самарқанднинг ўзида қатта ва машҳур "Дор уш-шифо" бунёд этилган. Унга таниқли табиб Мир Сайид Шариф бош бўлган.

У Журжонда туғилиб, Амир Темури тақлифи билан Самарқандга келди. Табибнинг 3 та асари бизгача етиб келган: "Одам танасининг тузилиши назарияси", "Мансур тўлик тўплами", "Тиббас". Биринчи китобининг аҳамияти кўпроқ ва қимматлироқ бўлиб, қириш қисм, тўрт бўлим ва ҳулосадан иборат.

Соҳибқирон вафотидан сўнг унинг авлодлари, неваралари ягона давлат макомини сақлаб қолишга уринишади. Улар орасида Мирзо Улугбек, Бобур ва Хусайн Бойқаролар алоҳида аҳамиятга эга. "Темури тузуклари" да бу ҳақда шундай қайд этилади: "Мен билими табиблар билан алоқани яхши бутамади. Улар менинг одамларимни даволайди".

Тарихий фактлар яна шундан далolat берилади, шаҳарларни тоза ичимлик сув билан таъминлашда сув қувурлари ва сардобалар яратилган. Бу сувга ошқозон-ичак микроблари тушшининг олдини олган. Амир Улугбек кўп фанларни ўрганиш билан бирга тиббиётни ҳам назардан четда қолдирмаган. Бобоси Амир Темурининг тиббиёт соҳасидаги аъёнларини муваффақиятли давом эттира олган. У Ибн Синонинг "Тибб конуви" китобини қунт билан ўқиб ўрганган.

Кирмоний унинг сарой табиби бўлган. Улугбек даврида Самарқандда машҳур жарроҳ Тожиддин Ҳаким бўлиб, у жарроҳлик амалиётларини олиб борган. Табиб моҳирлик билан қатарактани бартараф эта олган. Жарроҳлик асбоблари ичида тўғри ва эгри қайчилар, методик ланцетлар, жарроҳлик пичоқлари, игналар, қисқичлардан кўп фойдаланилган. Тожиддин Ҳаким зарур асбобларини оловда тоблаб зарарсизлантирган. Жарроҳлик пайтида қўлларини тез-тез майда тўғралган пиёз билан артган.

Темурийлар даврида бошқа таниқли табиблар ҳам бўлган. Улар тиббиёт атамаларини тузишгани ҳақида тарихий далиллар бор.

Темурийлар даврида чоп этилган бадиий асарларда табиб қандай бўлиши кераклиги, соҳасини қай даражада мукамал эгаллаши зарурлиги, шафқатли, меҳрибон бўлиши, бемор учун қайгура билиши ҳақида ёзма манбалар бор. Бундай мураккаб вазифани фақат яхши табибгина эплай олиши мумкин. Табиб беморига нафақат дори, балки эътибор, ҳушмуомаллиги билан ҳам руҳий далда бўлмоғи жозилиғи ўқтирилган.

Шарқ табиблари тўғри овқатланиш тартибини тарғиб қилишган. Яхши иштаҳа вақтида кўп ейиш ошқозоннинг бўзилишига, турли касалликларга чалинишига сабаб бўлишини билишган.

Гигиена қоидаларига риоя қилиш хасталикларнинг олдини олиши тушунтирилган. Лавр япроғининг дори-руҳусиятидан кенг фойдаланилган. Тиббиётнинг амуули ва назарий билимлари ривожланган.

Амир Темури қурдирган "Дор уш-шифо"нинг авлодлари томонидан баро этилган иккинчи биноси Ҳиротда қад кўтарган. Уни Алишер Навоий бошқарган ва таъминлаган. Мазкур бино яшил табиат билан ўралган ва беморлар алоҳида палаталарда сақланган, табиблар хонаси, ошхонаси бўлган. Беморлар рўйхатга олиниб, кўз ва ички аъзолар жарроҳлиги амалга оширилган.

Заҳириддин Мухаммад Бобур даврида Юсуфий табиб машҳур бўлиб, "Ичимлик ва овқат истеъмоли" рисоласини ёзган. Унинг фикрича, сув сифатида алоҳида аҳамият бериш мўҳим саналган. Юсуфий касаллик аломатлари ва ташувчилари ҳақида ҳамда қўжумли хасталикларнинг юқиши, уларни бартараф этиш йўллари ҳақида батафсил маълумотлар акс этган рисолалар ёзган.

Биз тарихта назар ташлаб бугунги кундаги касалликлар ҳақида аждодларимиз тавсиялари билан учқур танишиб олишимиз мумкин. Улар қолдирган "Дор уш-шифо"лар халқимиз дардида дармон бўлиб, барҳаёт яшашига ишончимизни қомил. Мақолани улуз бобокалонимиз Ибн Синонинг меъёр ҳақидаги ибратли рубойиси билан мухтасар қиламиз.

Ман маста душману қушера ёрди,
Ози тарёқ, кўпи бир захри мурди.
Кўп бўлса, зарари оз эмас унинг,
Оз бўлса, унда кўп манфаат бордир.

Элёр Қурбонов,
Боёвту тумани, ўқитувчи

Хотира уйғонса гўзал

«Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди»



Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Ухалқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланиди ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан-авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир».

Айниқса, инсон қадри ва хотири аба-

дийдир.

Шундай экан, бугун биз ўз умрини нақшларга абадий муҳраган инсон Абдулла Болтаевни ёдга олишни жоиз деб билдик. У 1890 йил август ойида Хива шаҳрининг Ичан қалъасида, бўёқчилар оиласида туғилган.

1924 йилдан ўз ҳаётининг охиригача Хива музейида мудир, илмий ходим, хўжалик мудири сифатида фао-

лият юритган. Тарихий маълумотларни тўплаб, уларни авлодларга қолдириш, қадриятларимизни абадийлаштириш мақсадида Хива шаҳрида мавжуд мадраса ва масжидлар тўғрисида аниқ маълумотлар ёзиб қолдирган. Қарийб 40 йилдан зиёд умрини музей ишини ривожлантиришга бағишлаган.

Абдулла Болтаев 1966 йил 15 декабрда 76 ёшида дунёдан ўтган.

18 май – “Халқаро музейлар куни”



Музейларнинг келиб чиқиш тарихини биласизми?

Мамлакатимизда музейларга маънавият ва маърифат улашувчи маскан сифатида қаралади. Уларнинг ташкил этилиши, жамият ҳаётида тутган ўрни, мақсад ва вазифалари олимларимиз томонидан илмий асосда ўрганиб борилади.

Хўш, музей ўзи нима? Музей юнон тилидан таржима қилинганда (мусион – музаларга бағишланган жой) – тарихий моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини амалга оширувчи илмий, илмий-маърифий муассасадир. Музей хазинасида асосан моддий ва тасвирий нарсалар, санъат асарлари жамланади, шунингдек, ёзма манбалар (қадамдан ҳозирги давргача

бўлган) тарихий қийматга эга қўлёзмалар, босма ҳужжатлар, китоблар сақланади.

Ўзбекистонда 1917 йилгача Тошкентдаги биринчи ва ягона музей бу Тошкент музейи бўлган. 1917 йилдан кейин турли ихтисосдаги, кенг экспозицияларига эга бўлган музейлар ташкил этила бошланган. 1918 йил Княз Н.Романов саройида унинг мусодара қилинган коллекцияси асосида Бадий музей (ҳозирги Ўзбекистон Давлат санъат музейи), 1921 йил Эски шаҳар музейи, 1926 йилда эса Ўзбек эски шаҳар музейи ташкил қилинган.

Бугун мамлакатимизда минглаб давлат ва уй музейлари мавжуд. Улар тарихнинг сирли хилқатларини ўзида мужассам этган ҳолда халқ маданиятини,

қадриятларини акс эттирувчи маскан ва турли давлатларни бир-бирига яқинлаштирувчи кўприк ҳисобланади. Шу тариқа музейлар халқнинг маънавий дунёсини бойитиш, ўзининг экспозиция ва кўргазмалари воситасида ёшларга маънавий тарбия бериш вазифини бажаради. Музейларга қизиқиш қадим давлрларда ҳам бўлган, тарихий манбаларда ёзилишича, илк музей миллоддан аввалги учинчи асрда Искандария музаларга аталган бинода – Музейонда қадимий Санъат ёдгорликлари мажмуаси сифатида ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январда қабул қилинган “Музейлар фаолиятини тубдан ях-

шилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори, 2008 йилда “Музейлар тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ушбу жабҳа ривожига муҳим қадам бўлди.

Бугунги кунда таълим соҳасига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада музейларнинг ўрни ҳам аҳамиятлидир. Музейлардаги коммуникация жараёнида ташриф буюрувчилар ўзига хос билим ва кўникмаларни ўзлаштириш имконига эга бўладилар. Яъни таълим муассасаларида олинган билимни мустаҳкамлаш ҳамда кўникма ҳосил қилиш имконияти ортади.

1977 йилда Халқаро музейлар кенгаши ташаббуси билан 18 май – “Халқаро музейлар ку-

ни” дея эълон қилинган. Ва 1978 йилдан бошлаб дунёнинг 150 дан зиёд мамлакатларида кенг нишонланади. 2007 йил тарихий сананинг 30 йиллик юбилейи тантанасида 70 га яқин давлат вакиллари иштирок этишди. Бу ушбу куннинг нишонланиши йилдан-йилга оммаланиб боралётганидан дарак. 1999 йил мамлакатимизда музейлар кунини нишонлаш Ўзбекистон маданий ҳаётининг муҳим воқеаларидан бирига айланди. Мазкур санада Ўзбекистон музейлари жамоатчиликини ўз фаолиятининг янги жиҳатлари билан таништиради, катта-катта тадбирлар, учрашувлар ўтказилади.

**Зиёдахон Сайдиғаниева,
Ангрен шаҳар
тарихи музейи**

Ноёб топилма

Ангрендан хушхабар

23 апрель куни Ангрен шаҳар Боғи Сурх МФЙ Абай кўчаси 77-уйда истиқомат қилувчи Ф.Норматов турар жойи ҳовлисида қадимий қабр топган. У бу ҳақда 30 апрель куни Ангрен шаҳар тарихи музейига хабар берган. 1 май куни музей ходимлари томонидан мурожатчи ҳовлисида қазишма ишлари олиб борилди. Унда Ангрен шаҳар тарихи музейи ходимлари М.Бекмурадова, Ш.Рўзमतова, Ҳ.Шодиева, М.Иззатиллаева, М.Жўраева, М.Элмуродовлар, Маданий мерос департаменти бўлим бошлиғи А.Ёрқулов, Тошкент вилояти маданий мерос бошқармаси бошлиғи М.Исроиловлар қатнашишди. Тадқиқот ишлари ҳулосасига кўра, ушбу қабр Ковунчи маданиятига оид бўлиб, миллоднинг I-VI асрларига тегишли экани қайд этилди. Қабрдан ўша даврда яшган одамларнинг суяк қолдиқлари (2 та скелет), 5 хил турли ҳажм ва шаклдаги сопол буюмлар қазиб олинди.

Ковунчи маданияти миллоддан аввалги биринчи, миллоднинг олтинчи асрларига оиддир. Дастлаб ўрганилган жой Ковунчи тепа макони бўлганилиги учун бу даврга оид барча ёдгорликлар шу ном билан аталган. Ковунчи маданияти Тошкент воҳаси, Сирдарёнинг ўрта оқими ва Фарғона водийсининг жануби-ғарбий ҳудудларида тарқалган. Дастлабки излари Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳар ҳудудида ўрганилган. Кейинчалик Тошкент шаҳри ва унинг атрофлари, Охангарон водийси ҳудудларида ушбу маданиятга мансуб ёдгорликлар топилган.

Ковунчи маданияти воҳада шаҳарларнинг пайдо бўлиши ҳамда ирригация тизимининг такомиллаштириши асосида дехқончиликнинг янада ривожланиши даврида тарқалган. Боғи Сурх қишлоғидан топилган мазкур ноёб дурдоналар маданиятнинг Ковунчи II босқичига оид бўлиб, миллоднинг I-VI асрларига тааллуқли деб тахмин қилинмоқда. Ковунчи II маданияти кенг тарқалган ҳудудларда қўлоқли кўзачалар, бандлари ҳайвон шаклидаги турли сопол идишлар учрайди. Боғи Сурхдан топилган сопол буюмлардан ҳар хил махсулотларни сақлаш ҳамда турли диний маросимларда (тутатқи солинадиган, қурбонлик маросимларида ишлатиладиган идиш) фойдаланилган. Бу ерда дехқончилик ва яйлов чорвачилиги билан шуғулланган халқлар яшган.

Ўйлол Шодиева, Муқаддам Бекмурадова, Шухрат Рўзमतова



Онлайн мутолаа

Китобхонларга масофавий хизмат кўрсатилмоқда



Хозирги карантин шароитида китоб мутолааси вақтдан самарали фойдаланишнинг энг яхши йўли. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси карантин даврида ҳам китобхонлар учун масофавий тарзда хизмат кўрсатмоқда.

Шунингдек, кутубхона томонидан онлайн тарзда тадбирлар, турли лойиҳа ва тақдимотлар ўтказиб борилмоқда. Китобхонлар онлайн хизматлар орқали ҳар

хил адабиётларга буюртма бериш, буктрейлерларни, онлайн дарсларни кўриш имкониятига эга. Яна улар китоб оламига доир қизиқарли янгиликлардан ҳам баҳар бўлишлари мумкин.

Масофавий хизмат турларини тақдим этишда кутубхона электрон базасининг мукамал шакллантирилаётгани муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, миллий умумтаълим электрон кутубхона маркази сканерлаш ва рақамлаштириш хизма-

тида Германиянинг "Microbox" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 38 та замонавий ва сўнгги турдаги профессионал сканерлар мавжуд бўлиб, улар А0 форматдан А5 форматгача ҳар хил турдаги китоблар, газеталар, журналлар, альбомлар, хариталар, қўлёзмалар, диссертациялар, нота наشرлари, авторефератлар, микрофишлар, фотоплёнкалар ва бошқа турдаги ҳужжатларни рақамлаштириш имкониятига эга.

Сабр ва бардош оий



Рамазон – маънавиятга, маърифатга чорловчи оий

Мана диёримизда ҳам барча мўйну муслмонлар учун азиз ва муқаддас бўлган муборак рўза-рамазон ўз ёғдусини сочиб турибди. Ойлар султону, эзулик ва хайр мавсуми, дуолар ижобат бўладиган, саховатлар жўш урадиган бу онларни ҳар биримиз ўзгача соғинч ва иштиёқ билан кутамиз. Бу оийнинг фазилату хислатларини санаб тугатолмаймиз, таърифини ҳар қанча келтирмайлик, камдек кўринаверади...

Буни қаранг, рамазон рўзасини тутишлик нафсини тийиш, сабр-бардошли бўлишдан ташқари, киши маънавиятига, маданиятига, руҳиятига, ҳаттоки, саломатлигига ҳам ўзига хос ижобий таъсир кўрсатар экан. Келинг, бугун у ҳақда соҳа мутахассисларининг фикрларини эшитайлик...

БУ ОЙДА ХАСАД, ХУСУМАТГА АСЛО УРИН ЙЎҚ!

Мунира ҚАХХОРОВА, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази бўлими бошлиғи, фалсафа фанлари доктори

Муборак Рамазон оийга машхуриқда, буюклиқда ҳеч бир ой тенг келолмайди. Буни биз маънавият тарғиботчилари – маънавият оий деб тарғиб қилсак ҳам бўлади. Ушбу тўхтамга келишимизнинг маълум бир сабаблари бор:

Биринчидан, бу ойда илм билан машғул бўлинади. Одамлар биланларини ўзгаларга улашилади. Муқаддас китобимиз "Қуръони карим" ўқилади, ҳадислар айтилади.

Иккинчидан, инсонлар бир-бирининг ҳолидан хабар олишади. Уришганлар ярашади.

Учинчидан, рамазон ёрдам, кўмак оийдир. Муҳтожлар ёд олиниб, эҳтиёжмандларга кўмаклашади: ҳам моддий, ҳам маънавий томондан.

Тўртинчидан, унинг шарофати билан инсон ўзида эзгу амалларни мужассам этади: ибодат, ният, амаллари билан.

Бешинчидан, рамазонда мақсадлар муштараклашади. У шуниси билан бирдамлик оий ҳамдир. Чунки бу ойда фақат эзгу ниятлар қилинади, тунда уйқу вақтлари камайрилиб, ибодат кўпаяди, кишиларга ҳурмат, иззат, эҳтиром кўрсатилади. Киши риззат билан ўзини ислоҳ қилишга шошади. Шу боисдан рамазонда хасад, гинаю қудрат, хусуматга ўрин йўқ.

Олтинчидан, рамазон – огоҳлик, дахлдорлик оийи. Бунда иймон синовдан ўтади. Атрофдагиларга ўзгача – меҳр-муҳаббат, ҳурмат нигоҳи билан қаралади. Айблар кўринмайди, камчиликлар ёпилади.

Еттинчидан, рамазон – ғанимат оийи. Кишилар берилган вақтни ғанимат билиб, яхши, хайрли ишларга қаттиқ бел боғлашади. Чунки ҳар ким билдики, бу оийнинг савоби ҳар қанонгидан кўп, дуоларнинг биёр ижобати бор.

Биласизми, маъзур ойда рўза тутган, маданият билан хайр-саховат кўрсатган, яхши гапи билан бўлса-да, бирор кишининг қалбига ҳурсандчилик улашган одамга бошқа ойларадигидан етмиш баробар зиёда савоб ёзиларкан. Бу ойда жанжаллашиш, бирор билан аразлашиб юриш, бошқанинг қалбини огритиш оғир гуноҳ саналади. Аксинча, кимки аразлашган бўлса, бу ойда албатта ярашиб олиши керак.

Маъбаларда келтирилишича, Рамазон оийда жаннат дарвозалари очилиб, дўзах эшиклари ёпилади. Бу эса оз амал билан кўп савоб олиш имкониятидир. Ундан қандай фойдаланиш эса ақл эгаларининг ўз ишидир. Бу оийнинг яна бир хислати бор: дуолар кўпаяди. Одамлар табиати, эҳтиёжи, маънавияти даражасига кўра – ўз билганича дуо қилаверади. Чунки билдики, бу ойда фаришталар ерга тушган, дуолар қабул бўлади.

Рўза фазилатларидан яна бири бу ғазабни кетказиш саналади. Зеро, ҳуда-беҳуда ғазабланиш қанчадан-қанча жанжал, тўпалон билан тинч оилалар ажрлашиши, ота-онани ранжитиш, ака-ука ва қавм-қариндош, қўни-қўшилар орасига совуқчилик солиши мумкин. Рўзадор бир ой мобайнида ўзига бўлган айрим салбий сифатларини тарқ этишга одатланиб, юксак маънавиятли, хулиқ, одоби гўзал бўлишига ҳаракат қилимоғи лозим.

Рамазонда кишилар ёлгон гапиришдан тийилади. Ақс ҳолда, бундай рўзадорнинг тақвоси шубҳа остида қолиб, манбаларда ундан қатъий қайтарилган. Зеро, ҳадисларда келтирилишича, ёлгон сўзлаш мўминга хос бўлмай, бу иллат аксар қатта гуноҳлардан ҳам ёмонроқдир.

РЎЗА ТУТИШНИНГ ФОЙДАСИ КЎП



Абдуқодир САТТОРОВ, профессор, халқ табиби
Рўза тутининг кўп фойдалари бор. Рўзада очлик ва чанқоқлик машаққати сабаб киши қалбда факир, мискин ва муҳтож кишиларга нисбатан раҳм-шафқат, хайри саховат туйғулари уйғонади. Бу инсонлар ўртасида меҳр-оқибат иззат-эҳтиром ришталарининг боғланишига сабаб бўлади.

Рўза инсон саломатлигини яхшилаши, умрининг узайишига сабаб бўлишини замонавий тиббиёт ҳам тасдиқлаган. Маълумотларга кўра, бир ой тўла рўза тутгандан кейин танадан саксон фоиз захарли моддалар чиқиб кетади. Ошқозон ости беши қатта ҳажмда ишлайди. Шу сабаб қандли диабет касалигига чалиниш хавфи бартараб бўлади. Рўза танاداги ўлимга ҳозирланаётган бачча ҳужайраларни, айниқса, иммунитет ва қон айланишида муҳим бўлган ҳужайраларни ҳимоя қилади.

Маълум вақт оқ юришининг саломатликка фойдаси қаттигли ҳақида таъбаот илми-

нинг султони Ибн Сино ҳам ўзининг "Тиб қонули" да таъкидлаётган. У кишиларни ўз даврида очлик йўли билан даволаш орқали турли касалликлардан фориғ этган.

Яна биласизми, рўза тутти сезги аъзолари ишини мустаҳкамлайди ва хотирани кучайтиради. Кундузи бўш қолган ошқозон эса ҳазм учун сарфлайдиган қонини миёга жўнатади, шу тариқа у янада кўпроқ қон ва қувват билан таъминланади. Натижада кишининг фикрлаш қобилияти кучаяди.

Маълумотларга кўра, рўза туттиша ният қилинганида бош миёга маълум «сигнал» юборилиб, у бутун танани очликка тайёргарлик кўришга буюрар ва тана ўзини кун бўйи давом этадиган очлик ва ташналикка мослаштириб боради экан. Ҳақиқатан, рўза пайтида ихтиёрчи оқ қолиш унчалик малол келмагани ҳолда рўза тутилмаган кунлари бирор сабаб билан овқатланиш вақтининг бир неча соатга кечикиб кетиши тўғрисида тана чидалмай қийналиб қолади, оқибатда оёқ-қўлга титроқ кириб, асаб бузилиши ҳолати кўп кузатилади.

РАМАЗОН, Ё РАМАЗОН, МАЙРАМАЗОН



Мунаввара ЁҚУББЕКОВА, Филология фанлари доктори, фольклоршунос
Рамазон оийи азалдан халқ қўшиқлари билан ҳамоханг бўлиб кетган. Яъни бу ойда мактаб ёшидаги болажонлар томонидан Рамазон қўшиғи айтилиб, ҳар бир

хонадон қўтланади. Рамазон қўшиғини бир эслаб кўринг-а:

Рамазон айтиб келдик зшигингизга, Худойим ўғил берсин бешингизга. Рамазон, ё рамазон, майрамазон, Муҳаммад умматига майрамазон. Учоқда қул, қармонда пул, Чикара қолинг миғ сўм пул.

Бу қўшиқни эслаб, болалар айтиши-

ни тасаввур қилибик, завқланиб кетсан киши. Қўшиқни эшитган хонадон эгалари болаларга ширинлик, пул улашади. Бу ҳам покланиш учун бир имконият. Биргина ушбу жараёнинг ўзи инсонларда оқибатни, меҳр-муҳаббатни, бирдамликни шакллантиради. Рамазоннинг яна бир тарбиявий хусусияти шундаки, бизнинг давримизда бу муборак ойда муқаддас қўшиқ янрамаган хонадон ўзини таҳқирлангандек

ҳис қилган. Масалан, болалар бахил, жаҳлдор инсонларнинг хонадонига рамазон айтиб бормасди. Бу ҳам ўзига хос жазо ҳисобланади. Мана шундай хонадон эгалари кейин айбини ҳис қилиб, жаҳлдорлар мулойимга, бахиллар сахийга айланарди. Шунинг билан қўшиқни, рамазон оийда бу муборак қўшиқни айтган болаларни ҳурсанд қилиш қўлнингиздаги битта хирра жойини поклаш билан тенг.

ТАОМЛАРНИ ТЎҒИБ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛМАНГ!



Холида ОЧИЛОВА, шифокор-гастроэнтеролог
Кўп кишилар рўза оийга қадар бозордан мўл-қўл егуликлар сотиб олишади.

Аслида рўза кам овқат еб ошқозонни дам олдириш, танани поклашни кўзайди.

Рамазон кунлари сахарлик ва ифторликда тўғри овқатланиш саломатлик учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки овқатланиши тартибга солсак, вужудимиз йиғилиб қолган хиллардан тазаланади. Бу яхши. Лекин аксар рўзадорлар кун бўйи оқ колмаслик учун сахарликда бирдангина кўп овқат ейишади, айниқса, кечқурун қовурилган, ёғли ва серғўш таомларни тўғриб истеъмол қилишади. Кучли таомлар кун бўйи оч юрган кишининг меъдасига оғирлик қилади, хазм бўлиши кечикади. Шу боис ичкаларда захарли моддалар кўпайиб, у қон таркибига ҳам ёмон таъсир кўрсатади. Шундай экан, рўза тутган кишилар сахарликда енгил, тўғрими, қувватни оширишда ёрдам берадиган таомларни истеъмол қилганлари маъқул. Жумладан,

ёноқ мағзи билан тўқланган нон, туршақ, асад, сариёғ ёки қаймоқ, қатиқ ва сутли овқатлар, бунда пиширилган таомлар...

Энг асосийси, рўза тутти овқатланаётганда кетма-кетликка риоя қилинг, чунки нотўғри овқатланиш қоринда ёқимсиз оғриқларни келтири чикариши мумкин. Рамазон оийда кўп кишилар нотўғри овқатланиш натижасида муаммоларга дуч келишади.

Сабзавотли салатларни овқатдан олдин есангиз, улар ичкалар ишини яхшилаб, истеъмол қилинадиган таомларнинг хазм бўлишига имкон яратеди. Хамири овқатлар (манти, чучвара, сомса) ва палов егач маълум вақт ўтиб иссиқ-иссиқ кўк чой ичгн. Қўл меваларни хазми оғир таомлардан кейин емаган маъқул.

Сахарликдан бир соат олдин 600 мл – 1 литргача сувни ҳўллаб-ҳўллаб ичиб олиш керак. Суюқ ёки буғда пиширилган енгил овқатдан 20 дақиқа кейин 1 стакан кўк чой ичиб олса ҳам бўлади. Бунда пиширилган витаминли овқатлар танана енгил сингиб, киши руҳан бардам ва тетиклашади.

Ифторлик таомлари ҳам кун бўйи оч бўлган ошқозон учун оғир келмаслиги лозим. Яъни унчалик ёғли бўлмаган суюқ, сутли ва қатиқли овқатлар (ширғур, мошқурда, мастава, ширқурла), ҳўл ва қуриқилган мевалар, сабзавот ва қўкатлар истеъмол қилиш мумкин. Таомларни эса оз-оздан, бўлиб-бўлиб еган маъқул.

Шунингдек, рўзадорлар кун давомида чанқаб қолмасликларни учун тузи кўп бўлган таомлардан истеъмол қилмасликларни керак. Салатларни ҳам иложи бўлса, тузини бироз камайтирган ҳолда истеъмол қилинг. Тузланган, дудланган ва консерваланган махсуслотлардан имкон қадар чекланинг. Чунки улар чанқоқни кучайтиради.

Агар рўза кунларида очлик ёки ташналикдан жуда қийналсангиз, бошингиз айланса, юрагингиз одатдагидан тез урса, танангизда оғриқ туриб, безовталансангиз, дарҳол шифокор қабулгига бориң. Чунки вужудингиз рўзани кўтаролмаётган бўлиши мумкин. Бундай ҳолда эса оч юришини давом эттирмаган маъқул.

Таърибаларда синалган тадқиқотлар

- Одам вужуди шундай яратилганки, озиқ-овқат етказиш тўхтаган пайтда бутун куч-қувват танани зарарли микроблар, хаста тўқималар, ўсма ва хиллардан тазалашга қаратилади. Тадқиқотчи, тиббиёт фанлари доктори Роберт Бартлоу илмий изланишлар, таърибалари билан рўза вужудни поклашда жуда қатта кучга эга экани ва ҳатто бошлангич босқичда ўсмаларни йўқотиши мумкинлигини исботлади.
- Таърибалар рўза қонда холестерин микдорининг камайишига, натижада юракда қон лахтаси (тромб) тиқилишининг олди олинишига сабаб бўлишини кўрсатди. АҚШда олиб борилган тадқиқотлар эса рўза қондаги қанд моддаси ва меъда шираси кислотасини ҳеч қандай доривоситаларисиз меърада сақлаб туришини исботлади.
- Очлик таъсирларини ўрганган германиялик олимлар уч-тўрт ҳафта мобайнида 10-15 соат ҳеч нима истеъмол қилмай енгил иш билан шўғулланиш соғлиқ учун жуда фойдали деган хулосага келдилар. Доктор Билл Шернбер ҳар йили бир ой рўза тутти тетиклик ва ёшлик асоси эканини таъкидлайди.
- Одесса университетини олимлари ўтказган таърибалар очлик танандаги захарларни ҳар қандай доривоситалар билан самаралироқ чиқариб ташлашини кўрсатди. Масалан, рўза пайтида танадан аммиакнинг чиқарилиши 100 баробарга кучаяди.

Қамола АХМЕДОВА таъёрлади.

Хотира

Унутилмас сиймолар



Ўзидан ном қолдирган инсонлар абдий яшайди. Шундайлардан бири Гулбахор Муҳаммаджоновадир. У 1941 йил 1 ноябрда Хивада зиёлилар оиласида дунёга келди. 1973 йил Хоразм давлат педагогика институтининг тарих факультетини сиртдан ўқиб тамомлади. 1975 – 1985 йилларда “Ичан-Калъа” давлат музей-қўриқхонаси директори вазифасида ишлади. У қаттиққўл раҳбар, талабчан устоз ва қатъиятли, шижоаткор инсон эди. Гулбахор

Муҳаммаджонова музейда ишлаган кезлари у ерга таширф буюрувчилар сони ортиб борди. Музейда тўпланган бой манбалар асосида ўлкамиз тарихига оид қатор китоблар, илмий ишлар нашр қилинди. Унинг директорлиги даврида Пахлавон Маҳмуд ва Саййид Абълоуддин мақбараларида кўргазмалар ташкил этилди. Шунингдек, Комил Хоразмий уй-музеий ҳамда Хон зиндони интерьерлари фаолияти йўлга қўйилди. Кўпгина тарихий обидалар таъмирланиб асли ҳолига кел-

тирилди. 1977 йилда музей республикада биринчи категорияли музейлар қаторидан ўрин олди. Илмий ходимлардан 3 нафари “Музей ишлари аълочилиси” нишони билан тақдирланди. Хоразм вилоятининг қатор туманларида музей экспозициялари ташкиллаштирилди.

Гулбахор Муҳаммаджонова 2009 йил 11 октябрда вафот этган. Унинг келажак авлод учун қилган барча саъй-ҳаракатлари асло унутилмайди.

Аёл олами

Хар бир инсон ҳаёт синовларини энгиб ўтиб, гўё тошдан тошга урилиб тиниқлашган сув зарраси каби жилоланади. Шу мусаффолик билан ён-агрофита, борлиққа ҳаёт бағишлайди, эзгулик улашади. Ўйлаб кўринг-а, бу ҳаётда бахти бекам бўлиб яшаш учун, айнақса, аёл киши нималарга қодир бўлиши даркор? Балки бунинг учун бироз лоқайд, ўрни келганда дағаллик билан ишини битириб кетавериши керакдир? Келинг, яхшиси, ўзини ҳаётдаги энг бахтли инсон деб ҳисоблайдиган замонамизнинг фаол аёлларидан бири, Ўзбекистон телерадиокомпанияси бошловчиси, тележурналист Зулфия Мухсинованинг ҳаётига назар солайлик. Бир пайтлар ўзининг жарангдор ширали овози билан мухлислар қалбига кириб борган Зулфия Мухсиновани эслайсизми? Унинг «Кўйдирма, жоним», «Самарқанд» номли кўшиқларини-чи?

Қалбингиздан қадр топсам



ним маним”, “Янги номлар” кўрик-танлов, фестивалларнинг боғлиқ иштирокчиси ва ғолиби сифатида обрў қозондик.

Зулфия Ўзбекистон халқ артисти, машҳур бастакор Анор Назаровнинг назарига тушиб, ундан сабоқ ола бошлади. Айнақса, ёш хонанданинг Президент стипендияси, шунингдек, Тўхтасин Жалилов номидаги стипендиясига муносиб кўрилгани уни янада руҳлантирди. Ёш ижроачининг Анор Назаров мусикаси, Хуршид Дўстмуҳаммад сўзи билан айтиладиган “Самарқанд” кўшиғи жуда машҳур бўлиб кетди. Таъбир жоиз бўлса, айна авж паллада унинг кўшиқлари гўёки тўхтаб қолгандек бўлди. Зулфиянинг олдида иккита йўл турарди: ё уни юксакларга парвоз қилдиргувчи катта сахна ёки оила аталмиш табаррук кўргон! Шунда буниси ва ота-онасидан ҳаёт сабоғини ўзлаштирган оқила қиз оиласини танлади. Севиқли ёри Ботиржон Охуновнинг ихтиёрига кўра иш тутган Зулфия кам бўлмади, қайнона-қайнотасининг сеvimли келинига айланди. Улар уни ўз қизидек кўришиб ардоқлашди. Ширин-ширин невараларига боқиб қувонишди. Шундай қилиб, ўз тушган хонандонининг пасту баландига ихлос билан меҳр берган оқибатли келинга яна бахт кулиб боқди. Қизлари катта бўлгач яна ишлай бошлади.

– Аёл учун энг муҳими оила, севиш, севилиш бахти, фарзанд тарбияси, обод хонадон бекаси бўлиш – дейди Зулфия. – Бунинг учун мен ота-онамдан беҳад миннатдорман.

У 2006 йилдан яна жамиятимизнинг фаол аёлларидан бирига айланди. Қисқа вақтларда тележурналистик касбини қунт билан ўрганди. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ёшлар» каналида тажрибали журналист Гули Икромова билан “Янги кун” кўрсатувиде бошловчилик, янги “Ёқимли иштихта” сахифасига муаллифлик қилди. Тез орада бу кўрсатувнинг ўз мухлисларига эга бўлишида эса Зулфиядаги саранжом-сарипталик, пазандалик фазилатлари қўл келди.



Дарвоқе, Самарқанднинг сўлим гўшаларидан бирида, санъатни севиб қадрловчи Мухсиновлар хонадониде дунёга келган қизалоққа, унинг буvisи, шоира Ҳақима Ҳасанованинг истағи билан Зулфия деб исми қўйилди. “Дугонам Зулфия Исроилова каби эл севган шоира бўлсин” дея ният қилган эди у. Дарҳақиқат, орадан вақт ўтиб, буvisи-жонинининг холис ниятлари бўй кўрсатди. Зулфия жуда ақли, одобли қиз бўлиб етишди. Шерў ўқишини-ку маромига етказарди. Аммо у шеърятдан кўра санъатта кўнгли қўйди. Албатта, бунда оила муҳитининг таъсири ҳам бор эди. Қизинининг кўшиқ айтишга бўлган иштиғеки, ҳаваси, балки, отаси сабаблидир. Зулфиянинг айтишчи, болалигида отаси пианино чалар, у эса кўшиқ куйларди. Баъзан дугоналарини чақириб, уйларида концерт қўйишар, уларнинг шодон чехралари ота-оналарига қувонч бағишлар эди. Қолаверса, Зулфиянинг амакиси Эркин Мухсинов ҳам мақом йўлида чиройли кўшиқлар куйлар, қизалоқ эса жон қўлоғи билан тингларди. Шундай қилиб унинг санъатта бўлган ҳаваси Тошкентта етга-лаб келди. Зулфия Тошкент давлат педагогика институтининг мусика йўналишида ўқий бошлади.

– Мен учун ҳақиқий олтин давр бошланган эди, – дея сўзлайди у фахр билан. – Институтимиз ёшларидан иборат зурқўшимизнинг солисти бўлиб, ҳар йили турли танлов, фестивалларда совринли ўринларни эгаллаб келдик. “Ўзбекистон – Вата-

Қолаверса, ундаги тиришқоқлик, изланувчанлик янги-янги ғоялар, лойиҳаларнинг туғилишига туртки бўлди. Муаллифнинг нозик диди, топқирлиги, ўз ишига масъулият билан қарашининг кўрсатувларини мазмунан бойитди. Турли таомлар, болалар учун парҳез егуликлар, уларни тайёрлаш йўриқномалари ёш оналарда, бўлғуси уй бекаларида катта қизиқини уйғотди. Бу кўрсатувлар ноананавийлиги, ўзига хослиги билан раҳбарият, бадий кенгаш аъзоларининг ҳам эътиборини қозонди. Кейинчалик телевидениенинг “Маданият ва маърифат” каналида у ташкил этган “Мазали тавсиялар” кўрсатувини ҳам ўз мухлисларини топди. Янада кенгроқ мавзулардаги чиқишлари, ошпазлар уюшмаси билан ҳамкорликда тайёрлаган саҳифалари рағбаранглиги, мазмундорлиги билан томошабинга, раҳбариятга манзур келди. 2014 йилда шу меҳнатлари самараси ўлароқ Ўз.МТРКнинг махсус совринига муносиб кўрилди. Эътибор рағбатлар Зулфияга янада кўтаринкилик бағишлагани айна ҳақиқат. Энди у нафақат миллий таомларимизнинг тайёрланиши, балки дастурхон тузаш, меҳмон кутиш, меҳмонга бориш, таомланиш маданияти, одоби ҳақида ҳам туркум кўрсатувлар тайёрлай бошлади. Кўрсатув номига келадиган хатларда турли халқлар таомлари тайёрлаш усуллари ҳақида ҳам маълумот сўрашадиган бўлишди. Натижада барча тегишли маълумот ва тавсиялар “Садо” газетаси саҳифаларида ҳам чоп этила бошлади. Ҳозирги кунда Зулфия Мухсинова тележурналистик билан бирга “Ошпазлар уюшмаси” томоивидан ташкил этиладиган танловларда ҳакамликни удрдалётган ишбилармон аёл ҳамдир.

Хулоса ўрнида қаҳрамонимизни аёллик, оналик бахти ҳақидаги яна баъзи фикрларини келтироққимиз: Аёл ўз ном билан нозик хилқат эгаси. Бекорга бизларни Мухтарам аёллар, деб улуғлашмаган. У доимо ўзидан эзгулик, меҳр-муҳаббат нурини таратиб, бошқаларга яхши қайфият бағишлаб туриши керак. Шунинг учун, аввало, ўзининг хурмат қилинг, севинг, бахтли бўлишга ҳаракат қилинг. Хонадонингиз обод, ўз нафосатингиз билан дунёни гўзалликка бурканг! Шунда яқинларингизнинг қалбиде кадр топасиз. С.Рижиева

Тухфа



«Илҳақ» кул босган ҳислар уйғонишимми?!

Шу кунларда “Ўзбеккино” миллий агентлиги буюртмасига кўра суратга олинган “Илҳақ” бадий фильмининг халқимиз чўқур ҳаяжон ва мамнуният билан кутиб олди. Уни сўнги йилларда яратилган киноасарларнинг энг сараси дейиш мумкин. Ҳақиқий Ўзбекона жасорат, матонат, улғу инсоний фазилатлар, миллатимизнинг бетакрор табиати унда муҳассамлашди, десак муболага бўлмайди.

XX аср фожиаси деб аталган Иккинчи жаҳон уруши даҳшатларини, у келтирган қулфатларни букилмас иродаси, метиндай бардоши билан мардонавор қаршилаган, бошига тушган мусибатларга қарамай бошқаларга далда бўлиш, мадад беришга ўзида куч тополган халқимиз чин маънода жасорат ва матонат тимсолидир.

Фильмда акс этган тарихий ҳақиқат машъум уруш ҳақидаги хотираларни қайта тиклаб, унда жонини фидо қилган ота-боболаримиз, оналаримиз олдидаги бугунги тинч-фаровон турмуш учун қарздорлик ҳиссини уйғотиши билан ҳам муҳимдир. Фильмнинг “юрағи” ўзбекона уриб тургани учун ҳам уни оддий томошабин ўзгача завқ билан кутиб олди. Айнақса, фильм ортида хизмат қилган тасвирчилар, либос усталари, рассомлар иши тасаннолар айтишга лойик. Чунки улар шарофати билан биз этни жимирлатадиган ўша давр “шамоли”ни бутун вужудимизга туйдиқ. Бор маҳоратини ишга солган режиссёр ва актёрларимизга ҳам катта раҳмат. Улар орқали узоқ йиллар “кул” босган ҳисларимизнинг уйғонганини аналдик.

Шу ўринда Зулфия Зокирова каби мард, жасур, ўз халқи, фарзандларига садоқатли, чексиз меҳр-оқибатли аёл тимсоли, ўғилу келинларининг жасорати ҳозирги давр ёшлари учун улкан ҳаётий сабоқ эканини ҳам таъкидлаш керак. Бугунги синовли кунларда ҳам халқимизнинг шундай матонати, жасорати, беқиёс инсоний фазилатлари намоян бўлмақда. Одамларимизнинг олиийжаноблиги, саховатпешалиги, ақдиллиги таҳсинга лойик.

Биз келажакда “Илҳақ” каби қалбимизга яқин, миллийлик руҳини берувчи, шунингдек, ҳар бир қаҳрамон характерига алоҳида эътибор қаратиб, уни етарлича очиб бера оладиган бадий фильмлар яратишдаги ишончлигимиз комил. Зеро, у ўзбек халқининг бемисл жасорати, матонати шу билан бирга олиийжаноб хислатларини кўрсатиб беришда муҳим қадам бўлди. Ана шу жиҳати билан одамлар қалбидан мустаҳкам ўрин олди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Озодбек Назарбеков


Мутулаа
“Кутадғу билиг” энди тўлиқ табдил қилинган ҳолда...

“Янги аср авлоди” нашриёти Юсуф Хос Ҳожибнинг “Кутадғу билиг” асарини тўлиқ табдил қилинган ҳолатда чоп этди. 950 йиллик тарихга эга “Кутадғу билиг”ни теран англаш учун унинг табдилу таржимаси сув ва ҳаводай зарур эди. Чингиз Айтматов таъби-



ри билан айтганда, Юсуф Хос Ҳожиб бизларга қарата “Мен вақт ичида минг йиллар орқада қоламану, лекин сизнинг келажингизга айланаман” деяётгандек. Бахт келтирувчи билим маъносини англаувчи мазкур китоб яратилган асрадәк туркийлар дунёсининг шох асари сифатида қатор хорижий мамлакатларда турли номлар билан шўҳрат қозонган. Ушбу ноёб асар Юсуф Хос Ҳожиб таваллудининг 1000 йиллигига бағишлаб нашр қилинди.

Тарихий ҳақиқат



“Искандар кўприги”нинг Александр Македонскийга алоқаси борми?

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон ва Қумқўрғон туманлари чегарасида маҳаллий аҳоли “Искандар кўприги” деб атайдиган қадимий кўприк сақланиб қолган. Унинг бундай аталишидан “Кўприкни Александр Македонский қурдирганми?”, деган савол туғилиши табиий. Бунга жавоб топиш учун тарихга назар ташлаш керак бўлади.



Мазкур кўприк ўтмишдаги аждодларимиз меъморчилик санъатининг ноёб дурдонаси сифатида нафақат маҳаллий, балки хорижлик сайёҳларда ҳам қатта қизиқиш уйғотиб келмоқда. Кенг ва баланд кўприк пишиқ ёшитдан юксак маҳорат билан барпо этилган.

Тарихий манбаларга кўра, Искандар Зулқарнайн (Македониялик Александрни шарқ адабиётида шундай аташган) эрамыздан аввалги 329-327 йилларда Амударёдан ўтиб, Шимолий Бақтрия худуди (ҳозирги Сурхондарё вилояти)ни босиб олади. Шундан сўнг бу худудда кўлаб ҳарбий қалъалар ва истеҳкомлар қурдиради. Олимларимиз фикрича, Музаброт туманида жойлашган Кампиртепа ёдгорлигини македониялик Александриялардан бири қурдирган бўлиши мумкин.

Бандихонсой устида бунёд этилган “Искандар кўприги” шарқ халқларининг афсонавий қаҳрамони Искандар Зулқарнайн шарафига қурилган дейишади. Аммо кўприкнинг қурилиши ҳамда македониялик Александр босқини орасида 19 асрдан кўпроқ вақт бор. XVI асрда Бухоро хони Шайбонийлардан бўлган Абдуллахон II даврида (1557-1598 йиллар орасида) бунёд этилган кўприкни Абдуллахон II отаси Искандархонга атаб қурдирган ва уни “Искандар кўприги” деб аташган.

Аниқроғи ноёб ва мустақкам иншоот XVI асрда (ҳозирги Қумқўрғон ва Жарқўрғон туманлари чегарасидан ўтган Бандихонсойда) Абдуллахон II даврида барпо этилган. Катта сув оқимида эга бўлган Бандихонсойда қад ростилаган бу иншоотнинг умумий узунлиги 70 м., ўтиш қисмининг эни – 5,75 м., баландлиги – 12,1 метрни ташкил этади. Бир вақтда Термиз билан Чағаниён ва Ҳисорни боғлаб турган бу кўприк савдо-сотик алоқаларини кенг йўлга қўйишда муҳим аҳамият қасб этган карвон йўлида қурилган. Уни бунёд этишда пишган ғишт, алибастер, оҳак, қум каби қурилиш ашёларидан фойдаланилган.

Бугунги кунда ушбу тарихий кўприк тўлиқ таъмирланиб, ўз қиёфасига келтирилди. V асрдан буён сақланиб келаётган мазкур иншоотни томоша қилиш, қурилиш ҳолатини ўрганиш орқали бой тарихимизни кенг тарғиб қилиш имкониятига эгамиз. Юртимиздаги тарихий ноёб иншоотларни ўрганиш, асраб-авайлашга ҳар биримиз масъулмиз.

Гавҳар Чубалов, Термиз археология музейи илмий ходими


Мулоҳаза

Тарбия илдизига тушаётган “қурт”

Эпидемия кўпларни уйда қолишга ва кўчада юрмасликка мажбур қилляпти. ОАВ ва турли ижтимоий тармоқларда “Уйда қолинг” остидаги огоҳлик чақириқлари тинмаяпти. Ўқув масканлари ёпилган. Кўпгина касб эгалари эндиликда уй ишлари билан шугулланиб, вақтларини мазмунли ўтказишга уринмоқда. Кимдир бола тарбияси, кимдир кичкина томорқаси билан овуныпти. Лекин ҳамма кечга бориб бир дастурхон атрофига йиғилляпти. Ушанда дарров телевизор ёқилиб, кўнгилочар дастурлар ёки ўзи ёқтирган сериалини кўриш бошланади.



Мен ўқишда юрган пайтларим деярли сериал кўрмасдим. Фақат ўзим ёқтирган кўрсатув, муносабатлар ва ангилликларни кузтардим. Энди эса кўп вақтим экран қаршида ўтыапти. Бунда бир нарсга амин бўлдимки, айрим хусусий телеканаллар карантин пайтида хориж сериаллари намоишини кўпайтирди. Тўғри, бугунги томошабиннинг эътиборини тортиш мураккаб бўлиб қолди. Аввалгидек ашаддий мухлислар ортириш ҳам бироз мушкул. Шунинг учун телеканаллар ҳар хил йўллар билан ўз аудиториясини қайтаришга уриниши табиий. “Хар қандай лавҳада, ҳатто мультфильмда ҳам қандайдир сиёсат, тарғибот гоёси ётади” деб айтганда бир яқин танишим. Бунини инобатга оладиган бўлсак, аёлларимиз, опа-сингилларимиз, ҳатто айрим ака-укаларимиз телевизор қаршига ўтириб олиб, энтиқиб кўрадиган баъзи турк сериаллари нимани тарғиб қилмоқда?! Улар қандай маънавий озука берадики, бугун уларга талаб ортиб борапти?!



кизга ҳам кимдир эр бўлиши керак (лавҳалар воқеаларга мос равишда). Бундан олдин эса сериал қаҳрамони бўлган йигит келиноийсини дадаси билан туттиб олган. Хуллас, мана шундай можаролар бир уйда бўлиб ўтади. Сериалнинг ҳозирда биринчи мавсуми тугаган бўлса-да, аммо яқин кунларда яна экранларга қайтиши аниқ. Чунки бизда “талабларига биноан” дейдиган таклифчилар бор. Ундан ҳам ёмони, сериални интиқ кутаётган томошабинлар.

Айтинг-чи, ўсиб келаётган ёш авлод бу қаҳрамонлардан нимани ўрганганда? Хашаматли

“Қора ният”, “Ёмонлик дунёга устун бўлолмас”, “Фазилат хоним кизлари”, “Золим Истанбул” каби сериаллар, афсуски, айни кунларда уйда вақтни “мазмунли” ўтказишда халқимизнинг семвили овуночюга айланади қолди. Олдинлари «енгилелли» лавҳаларни (тушунган бўлсангиз керак) кўришни ман этган ота-оналар бугун фарзандлари билан бирга ўтирганига нима дейсиз?! Агар бу ерда миллат ҳақида сўз кетса, шуни таъкидлаш ўринлики, гарчи турклар элат сифатида бизга яқин бўлса-да, миллийлик ва қадрият жиҳатидан бошқа дунё ҳисобланади.

Кескин фикр билдиришдан олдин ҳар соатда қўйиб борилаётган турк сериалларидан бирини мисол қилиб келтириб ўтсам. “Золим Истанбул” – бу сериалда уй эгаси бўлган йигит бир қизни севади, аммо бирга бўлишнинг иложи йўқдек. Бахтга қарши у севган кизининг синглиси билан эр-хотин. Яхши кўргани ҳам амакваччасининг турмуш ўртоғи. Қаҳрамон буларни унутиб, севгани билан бирга бўлишни хоҳлайди, бироқ амакчасининг хотини, яъни келиноийсини бунга қарши. Чунки ўғли бир пайтлар номуслига теккан

уйда яшаши-ю, турфа хилдаги кийим-кечақларни кийиб юришига ҳавасми ёки кўнгли тусганини қиладиган “физиста” ҳаётигами?! Биз қиз бола иффагил, ҳаёли бўлсин деб кўп таъкидлаймиз. Йигитларимиз чўрткесар ва оғир, босиқ бўлсин деймиз, аммо бу хислатлар ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Ҳар қандай яхши фазилатлар ҳам, жамиятни булғовчи иллатлар ҳам оиладан шаклланади.

Тўғри, бола тарбиясининг европалашиши, енгил ҳавасларга берилишига фақат сериаллар эмас, интернет ҳам сабаб бўляпти. Унда сериалларда нима айб дейсизми? Аслида ёшларнинг турли ёт гоёлар билан захарланиши, иллатларга берилишига, аввало, ота-она бош сабабчидир. Чунки бола мияси нимани «истеъмом қилаётганига» эътибор қаратмай, аксинча биргалашиб енгил сериалларни кўриш, уни чекламаслик – бу тарбиядаги фожиянинг бошланishi эмасми?

Ҳурматли ота-оналар, ҳушёр бўлинг! Онгли равишда, ўз миллийлигингиздан келиб чиққан ҳолда маънан нимани «истеъмом қилаётганингизни» ва фарзандларингизга ҳам шуни раво кўраётганингизни тезроқ англаб энди! «Қозонга яқин юрсанг қораси юқади», дейишганидек, уларнинг четдан «куя» юктириб олишларига йўл қўйманг! Миллийлик оиладан бошланади, шундай экан, қуртак очиб келаётган қадриятларнинг қуриб кетишига безътибор қараманг! Зеро, тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат – ё саодат, ё фалокат масаласидир!

Оламгир Абдиев

Галабанинг 75 йиллиги



Ўчмас сиймолар



Қаландар Бекчанов 1922 йил 22 июлда Хоразм вилояти Хонқа туманида оддий ишчи oilасида дунёга келади. 19 ёшида Иккинчи жаҳон урушига – фронтга олиб кетилади. 1941 йилнинг декабрь ойдан 1945 йилнинг май ойигача фашизмга қарши мардларча жанг олиб боради. 1945 йил 10 апрель куни Кенингсберг вилоятининг забот этилишидаги ишгиروي учун кўкрак нишони билан тақдирланади.

Урушда чап елкаси ва чап оёғидан яраланади. Бироқ она ватанига, туғилиб ўсган қишлоғига уруш тугагандан сўнг келади. Юртга қайтгач 1946 йилдан Хонқа туманидаги умумий ўрта таълим мактабида жисмоний тарбия ва ҳарбий ишлар фанларидан дарс бера бошлайди. Кейинчалик инструктор, колхоз раиси ўринбосари, кадрлар бўлими бошлиғи ҳамда партия бошланғич ташкилоти котиби, ободонлаш-

тириш бўлими бошлиғи, техника хавфсизлиги катта муҳандиси лавозимларида ҳам ишлаган. Қаландар Бекчанов 7 фарзанднинг отаси, 24 набиранинг кадрли бобоси бўлган. У 1992 йил 15 январь куни Иккинчи жаҳон урушида яраланган касаллиги сабаб 70 ёшида вафот этган. «Ичан-Қалъа» давлат тарихий-меъморий музей кўриқхонаси

Таклиф



Фестивалда “Лазги” рақси ижроси ихтиёрий бўлсин!



Хабарингиз бор, 2022 йил куз фаслида ўтказиладиган “Лазги” халқаро рақс фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги ҳужжат шу йилнинг 3 апрелида муҳокамага қўйилди. Унга кўпгина ташкилотлар фикр билдиришти.

Маданият ва санъат йўналишидаги турли маҳаллий ҳамда халқаро фестиваллар давлатнинг маданий имиджини мустаҳкамлабгина қолмай, сайёҳлик ривожланиши, шу билан бирга, халқ турмуш таризи ҳам маданий-маънавий мазмун бахш этиши табиий. Дарҳақиқат, Ўзбекистон жуда бой номдод маданий меросга эга давлатлардан бири бўлиб, ҳар бир ҳудудда ўзига хос маданий мероси билан қадрли. “Лазги” халқаро рақс фестивалининг таъсис этилиши нафақат Хоразм, балки Ўзбекистондаги бошқа рақс санъати анъаналарининг ривожига ҳам ўз ҳиссасини қўшиши шубҳасиз. Фурсатдан фойдаланиб маҳаллий ва халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда мазкур фестивал низоми борасида ўз таклифларини билдириб ўтасам.

1 Фестиваль 2022 йил сентябрь ойининг айнан қайси саналарида ўтказилиши тадбирга бир йил қолганда, яъни 2021 йил сентябрь ойида тасдиқланиши, унда қатнашишни истаган ижодкорлар ҳужжатлари фестивал ўтказилиши режалаштирилган йилнинг 1 февралига қадар қабул қилиниши ҳамда саралаш натижалари 6 ой олдин эълон қилиниши лозимлигини таклиф этамиз. Чунки бу:

- фестивалга келиб тушган аризаларни ўрганиб чиқиш, саралаш комиссияси йиғилишларини ташкиллаштириш, таклифномалар ва виза талабномаларини тайёрлаш, халқаро рейслар борасида музокаралар ҳамда арзонроқ чипталар харид қилиш имконини беради;
- фестивалда иштирок этадиган хорижийликларнинг дастурларга аввалдан мукамал тайёрланишига шароит яратилади;
- хорижлик иштирокчилар учун авиачипталарнинг эртароқ банд этили-

ши ва бир мунча арзонроқ нархларда харид қилинишига ёрдам беради;

- сафарлари айнан фестиваль саналарига тўғри келган хорижлик сайёҳчиларнинг сафар дастурларида юзага келиши мумкин бўлган ноқулайликларнинг олди олинишига хизмат қилади;
- фестивалга таклиф этилиши кўзда тутилган мутахассислар, соҳа олимлари, айниқса, таниқли ва тажрибали халқаро рақс жамоаларига мазкур тадбирни ўз йиллик сафар режаларига олдиндан киритиш имконини беради. Одатда тажрибали рақс жамоалари йиллик сафар режаларини энг камидан 8 ой, узоғи билан 3-5 йил олдин тузган бўлади.

2 Халқаро тажрибадан маълумки, танлов фестиваллар асосан ёшлар ва ўсмирлар ўртасида, ёши чегараланган шаклда ўтказилади. Ёши чегараланмаган фестиваллар эса кўпроқ фольклор, мусиқа ва рақс ёки Европа классик мусиқа, рақс ва хонандлик санъати йўналишларида бўлади. Сабаби Европа мусиқа, рақс ва хонандлик йўналишлари деярли бутун дунёдаги санъат олийгоҳларининг таълим дастурларидан ўрин олган. Шу боис юқоридаги танлов хорижлик иштирокчиларнинг етарлича ижро маҳоратига эга бўлишига замин яратади. “Лазги” фестивали кўрик-танлов эмас, шунчаки Халқаро фестивал шаклида ўтказилса, бу хорижлик иштирокчиларга ўз анъанавий рақс санъатларини профессионал даражада намойиш этиш имконини беради. Хорижлик раққос ва раққосалар “Лазги” санъатининг қанчаллик ўрганиб, рақс тайёрлаб келишмасин барибир меъёрига етказиб ижро этадиганлари санокли бўлади. Фестиваль ғолиблари сараланишида



асосан “Лазги” рақси ижросига таяниш ўз миллий рақсларининг маҳорати ижрочилари бўлмиш хорижликларнинг назардан четда қолиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

- Шундай экан,
- фестивал низомида кўрик-танлов услубидан воз кечилиниши;
- ғолиблар, наминантлар ва ҳакамлар учун ажратилган маблағларни фестивалнинг асосий иштирокчи жамоаларига гонорар сифатида, белгиланган сумма асосида тенг тақсимлаш анъанасини жорий этилиши;
- ғолиблар ва наминантларнинг мукофот пулларидан бошқа совғалари (дипломлар, статуетка, эсдалик совғалари) сақлаиб қолилиниши;
- ҳакамлар ҳайъати таркибини, айнан фестивалнинг бошқа тадбирларига таширф буюрадиган мутахассислар орасидан шакллантирилиши;
- хорижлик иштирокчилар учун шарт қилиб қўйилган “Лазги” рақси ижроси ихтиёрий бўлиши ва унинг ўрнига “Лазги” рақс санъатини янада тарғиб этиш мақсадида фестивал кунлари барча иштирокчилар учун махсус оммавий “Лазги” маҳорат дарслари ташкиллаштириш лозим. Бу оммавий маҳорат дарсларида хорижлик

қатнашчиларнинг иштирок этиши Фестивалдан кўзланган асосий мақсадга эришиш имконини беради. Шу билан бирга, бу йўл билан Фестивалнинг ранг-баранг давомийлиги ва географиясининг доимий равишда кенгайиб боришига эришиш мумкин.

3 Фестиваль доирасида Низомида келтириб ўтилган илмий-амалий анжумандан ташқари рақс санъати мутахассислари, рақс фестивал директорлари, рақс санъати ҳамда маданият ва санъат менежерлари иштирокчидаги давра суҳбатлари ташкил этилиб, унда халқаро рақс фестиваллари, рақс йўналишидаги халқаро лойиҳалар борасида тақдимотлар ўтказилиши лозимлигини ҳам таклиф этамиз. Ушбу тақлифимизга 2015, 2017, 2019 йиллардаги “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали ҳамда 2019 йилдаги “Баҳши санъати халқаро фестивали” доирасида ташкиллаштирилган давра суҳбатларимизни мисол келтиришимиз мумкин.

Мазкур давра суҳбатларида фақат “Лазги” рақс санъати тарғиби билан чегараланмай, балки Ўзбекистон ҳудудидаги бошқа миллий рақс мактаблари мутахассислари ҳам ўзлари учун керакли маълумотларга эга бўлиш, хо-

рижлик мутахассислар билан алоқалар ўрнатишига замин яралади.

4 Фестивалда дунёнинг кўзга кўринган профессионал рақс жамоалари иштирок этар экан, тадбирдан олдин ва кейин ушбу жамоалар Ўзбекистоннинг бошқа тарихий шаҳарларида ҳам концертлар ташкиллаштиришни таклиф этамиз. Бу жараён сайёҳлик мавсумида Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида бўлиб турган ҳам маҳаллий, ҳам хорижлик сайёҳлар учун ўзига хос маданий тадбир сифатида қолмай, ўша шаҳар аҳолисининг ҳам халқаро рақс жамоалари санъатидан баҳра олишига хизмат қилади.

5 Шунингдек:

- Фестивалга айнан қанча хорижий жамоа асосий иштирокчи сифатида таклиф этилиши;
- Фестиваль иштирокчиларининг асосий саҳнадаги ижросига неча дақиқадан вақт ажратилиши;
- Низомининг фестивалга ўз хисобидан иштирок этиш истагини билдирганларни таклиф этиш қисмида ушбу меҳмонлар харажатининг айнан қайси қисмидаги тақсимоти иштирокчилари ҳамда ташкилотчилар томонидан қопланиши аниқ келтириб ўтилиши лозим.

Бундан ташқари, фестивалда иштирок этадиган жамоаларнинг яна қайта иштирок этишлари борасидаги қоидалар ҳам алоҳида келтириб ўтилиши келажакда юзага келиши мумкин бўлган қатъийликларнинг олдини олиши ва дастурларнинг аниқ тайёрланишига замин яратади.

Хусниддин Ато
“OXUS Culture”
ташкilotи раҳбари,
Маданият ва санъат менежери

